

Жума - гуноҳларга мағфират



09:02 / 23.11.2018 3366

Салмони Форсий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

“Набий солаллоху алайҳи васаллам: “Ким жума куни ғусл қилиб, иложи борича покланиб, ўз мойидан, уйдаги хушбўйликлардан суртиб, сўнгра чиқиб, икки кишининг орасини ёрмай (жой топиб) ўзига битилган намозни ўқиса ва имом гапирганда жим туриб, қулоқ солса, албатта, унинг ўтган жумадан бунгача бўлган нарсалари мағфират қилинади”, дедилар”.

Абу Ҳурайра розияллоху анху:

“Уч кун зиёдаси билан. Чунки ҳар бир яхшилик ўн мислга кўпайтирилур”, деди”.

Икки шайх ривоят қилганлар.

Абу Довуднинг лафзида:

“Ким жума куни ғусл қилиб, энг яхши либосларидан кийса, агар хушбўй нарсаси бўлса, ундан суртса, сўнгра жумага бориб, одамларнинг елкасидан ҳатлаб ўтмаса, кейин ўзига битилган намозни ўқиса, имоми чиқса, у намозидан фориғ бўлгунча қулоқ осса, бу (жума) билан ундан олдинги жума орасидаги нарсага каффорот бўлади”, дейилган.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Аллоҳ таоло жума кунида ҳеч бир мусулмоннинг гуноҳини кечирмай қўймайди”.

Табароний ривоят қилган.

“Жума ҳақидаги оят ва ҳадислар” китобидан